



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНСКИЙ  
ИНСТИТУТИ

ISSN 2181-5674

# БИОЛОГИЯ ВА ТИББИЁТ МУАММОЛАРИ

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЖУРНАЛ  
№3.1 (103) 2018

PROBLEMS OF  
BIOLOGY AND MEDICINE

*Сборник научных трудов  
под редакцией профессора А.М. ШАМСИЕВА*

**МАТЕРИАЛЫ  
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ  
С МЕЖДУНАРОДНЫМ УЧАСТИЕМ**

**«ПАРАЗИТАРНЫЕ И ИНФЕКЦИОННЫЕ  
БОЛЕЗНИ В КРАЕВОЙ ПАТОЛОГИИ  
ЦЕНТРАЛЬНО-АЗИАТСКОГО  
РЕГИОНА»**

*Самарканд 14-15 июня 2018 г.*

## ДОРИЛАРГА ЧИДАМЛИ БҮЛГАН СИЛ ҚЎЗҒАТУВЧИЛАРИНИНГ КЕНГ ТАРҚАЛИШ САБАЛARI

Мустанов А.Ю., Матназарова Г.С., Разиков Ф.

Тошкент тиббиёт академияси

Ҳозирги кунда сил касаллиги глобал муаммога айланиб, нафақат ривожланыётган ва балки ривожланган давлатлар ҳам унинг таъсиридан азият чекмоқда. Сил билан заарланган беморларни даволаш муддатининг давомийлига ва дориларнинг бошқа дорилар билан бирга қўлланиши натижасида сил микробактерияларнинг дориларга чидамли турлари ортиб бормоқда. Охирги 10 йил ичидаги бутун дунёда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам дориларга чидамли бўлган сил қўзғатувчиси билан заарланганлар сони 5-4% ортганлиги аниқланган. Сил қўзғатувчисининг дориларга чидамли бўлган қўйидаги турлари фарқланади: дориларга монорезистентли, мултирезистентли, полирезистентли турлари. Шулардан мултирезистентли турини назорат қилиш қийинлик туғдиримоқда. Силнинг мултирезистентли тури бўйича 2013-2015 йилги ўтказилган эпидемиологик тахлилар натижасига кўра республикамиизда янги аниқланган бактерия ажратадиган bemорлар ичидаги 14,0%, мултирезистентли турлари ташкил этмоқда. 2012 йилдан 2015 йилнинг охирги саккиз ойигача бўлган давр ичидаги дориларга чидамли сил касаллиги 2 млндан ошганлиги қайд этилган. Африка қитасида мамлакатлар учун жиддий муаммолардан бири миксинфекция яни (ОИВ+сил) ҳисобланаби, ОИВ инфекцияси билан заарланганлар ҳисобига Африка аҳолиси ўртасида сил билан касалланиш даражаси 3 марта ошган. ЖССТнинг маълумотларига қараганда, бутун ер юзида 15 ёшгача бўлган болаларнинг 180 миллиони сил микробактериялари билан заарланниб, сил касаллигидан ҳар йили 170 минг бола нобуд бўлмоқда. Силга қарши курашиш, даволаш ва уни эпидемиологик назоратини ўтказиш республикамиз мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Тадқиқотнинг мақсади. Сил касаллигининг замонавий эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш ва ушбу маълумотлар асосида сил касаллига қарши қўлланилардан профилактик чора-тадбирларни такомиллашириш. Тадқиқот материиллари ва усуслари. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари ДСЭНМ нинг сил

Биология ва тиббиёт муаммолари, 2018, 3,1 (103) | 121

### НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ С МЕЖДУНАРОДНЫМ УЧАСТИЕМ

билан касалланиши бўйича расмий ҳисоботлари. Сил касаллиги бўйича эпидемик ўчоқларда ўтказилган эпидемиологик текширув хариталари асосидаги маълумотлар. Тадқиқатда эпидемиологик, санитар-гигеник ва статистик тадқиқот усуслардан фойдаланилди. Тадқиқот натижалари. Ўрганилган статистик маълумотларга асосан, Республикамиз аҳолисининг сил билан касалланиш кўрсаткичи охирги ўн йил ичидаги 100000 кишига нисбатан 76 нафар кишини ташкил қилган бўлса, шундан 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида 106.8 га teng бўлган. Сил касалликлари ижтимоий-иқтисодий ва экологик ночор минтақалар, жумладан Орол бўйича ҳудудларида кўп тарқалганлиги қайд этилган. Қорақалпоғистон Республикасида бирламчи юқтириш даражаси 2.2%, Хоразм вилоятида 2.4%, Самарқанд вилоятида 2.9% ни ташкил қилган. Сил касалликларининг тарқалиши ва даволашни назорат қилиш этарлича эмаслиги сил касалликлари кўпайшига олиб келмоқда. Хулоса. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларида сил билан касалланиш кўрсаткичлари юқори даражада кузатилиши сақланиб қолмоқда, бу эса ўз навбатида сил билан касалланишни эпидемик тус олиши эҳтимолига олиб келиши мумкинлиги ва силга қарши чора-тадбирлар тизимини такомиллашириш зарурлигини талаб қилмоқда. Ушбу ҳолат, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида ОИВ инфекцияси аҳоли орасида кенг тарқалиш сабабларидан бири бўлиши мумкин. Шунинг учун сил тарқалишга сабаб бўлган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва эпидемиологик ҳолатни тўлиқ баҳолаш мақсадида бу ҳудудларда сил билан касалланиш ҳолатларини тўлиқ ўрганишни тақазо қиласди.